



УДК: 616.89-008.13-07

ГИЁХВАНД МОДДАЛАРГА ТОБЕЛИК ШАКЛЛАНИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кенжаева Наргиза Куватовна¹, Ризаев Жасур Алимжанович¹, Умиров Сафар Эргашевич²

1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Ўзбекистон Республикаси ССВ Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент ш.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЗАВИСИМОСТИ ОТ НАРКОТИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ

Кенжаева Наргиза Куватовна¹, Ризаев Жасур Алимжанович¹, Умиров Сафар Эргашевич²

1 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников Министерство Здравоохранение Республики Узбекистан, г.Ташкент

REGIONAL FEATURES OF THE FORMATION OF DEPENDENCE ON NARCOTIC SUBSTANCES

Kenzhaeva Nargiza Kuvatovna¹, Rizaev Jasur Alimzhanovich¹, Umirov Safar Ergashevich²

1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Center for the development of professional qualifications of medical workers Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: fzakirova177@gmail.com

Резюме Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг кўп йиллик динамикасида пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Касалланиш кўшни давлат билан чегарадош Ургут туманида, Самарқанд шаҳрида ва шаҳарга ёндош туманларда юқори бўлиб, мазкур ҳудудлар “хавфли ҳудуд” га, ушбу ҳудудларнинг аҳолиси эса “хавф гуруҳи” га мансуб.

Калит сўзлар: Гиёҳвандлик, гиёҳванд моддалар, касалланиш динамикаси, хавф омиллари, хавфли ҳудудлар ва гуруҳлар.

Abstract. In the Samarkand region, there is a tendency to reduce the long-term dynamics of the incidence of drug addiction. The incidence is high in the Urgut region, bordering on the neighboring country, the city of Samarkand and adjacent areas, these areas are classified as "risk areas" and the inhabitants of these areas are classified as a "risk group".

Key words: Drug addiction, drugs, disease dynamics, risk factors, risk zones and groups.

Кириш. Гиёҳванд моддаларга тобелик шаклланиши глобал муаммо бўлиши баробарида, кўп жиҳатдан ижтимоий детерминацияланувчи, шунингдек турли минтақаларда алоҳида хусусиятларга ва тафовутларга ҳам эга. Минтақавий хусусиятлар кўплаб омиллар, хусусан минтақанинг жуғрофий жойлашуви, кўшни ҳудудлардаги бу борадаги жорий вазият, ҳудудлараро алоқаларнинг жадаллиги, ижтимоий-иктисодий вазият, аҳолининг демографик таркиби каби ҳолатлар билан белгиланади [1, 4-6]. Турли ҳудудларда гиёҳванд моддаларга тобеликдан самарали муҳофазаланиш учун, аввало, мазкур ҳудудда унинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, кейин эса мазкур сабабларнинг асосида ётувчи хавф омилларига нисбатан мажмуавий тадбирлар қўлланилиши тақазо этилади [2, 3, 7]. Гиёҳванд моддаларга тобелик борасида замонавий тиббиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири, мазкур ходисани белгиловчи сабаблар, шарт-шароитлар ва омилларни баҳолаш ҳамда аҳолига тақдим этиладиган тиббий-наркологик ёрдамнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш борасида илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятида гиёҳвандлик билан касалланиш жадаллигини ва гиёҳвандлик воситаларига тобелик шаклланишига кўмаклашувчи хавф омилларини ҳудудий кесимда баҳолашдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Самарқанд вилояти бўйича 2010-2022 йиллар мобайнида гиёҳвандлик билан янги касалланиш ҳолатлари динамикасини акс эттирувчи тегишли тиббий ҳужжатлар (Республика ихтисослаштирилган наркология илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиалида 2010-2022 йиллар мобайнида янгидан ҳисобга олинган пациентлар ҳақидаги маълумотлар, 066-1-х/ш, 025-х/ш, 030-2-х/ш) ҳамда йиллик ҳисоботлар таҳлил этилди.

Гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш намоён бўлишини акс эттирувчи кўрсаткичлар, ҳудудий хавф омиллари контекстида, улар ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини статистик аҳамиятлилик нуқтаи-назаридан баҳоланди.

Шаҳар муҳити ва кўшни давлат билан чегара ҳудудида жойлашув гиёҳванд моддаларга тобелик шаклланишига қай даражада хавф омилли

сифатида таъсир кўрсатишини баҳолаш мақсадида, 2010-2022 йй. мобайнидаги гиёҳвандлик билан касалланиш динамикаси, Самарқанд вилоятининг ҳудудий гуруҳлари бўйича, яъни “Самарқанд шаҳри”, “Шаҳар туманлари”, “Ургут тумани” ва “Қишлоқ туманлари” гуруҳларига ажратилиб таҳлил этилди. Бунда “Шаҳар туманлари” гуруҳига фақат Самарқанд шаҳрига бевосита ёндош Самарқанд ва Окдарё туманлари киритилган. “Қишлоқ туманлари” гуруҳига эса, “Самарқанд шаҳри”, “Шаҳар туманлари”, “Ургут тумани” дан ташқари вилоятнинг барча маъмурий ҳудудлари киритилган.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ижтимоий-гигиеник, статистик усуллар қўлланилди. М, m, t ни ҳисоблаш ҳамда Стьюдент жадвали ёрдамида р ни топиш амалга оширилди. $p < 0,05$ қийматида ишонарли фарқлар сифатида қабул қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Гиёҳванд моддаларга тобелик шаклланиш жадаллигининг ўзгаришини баҳолаш мақсадида Самарқанд вилоятида 2010-2022 йй. мобайнида қайд этилган гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг бирламчи ҳолатлари таҳлил этилди. Самарқанд вилоятидаги гиёҳвандлик билан бирламчи касалланишнинг

кўп йиллик динамикасини таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатадики, 2010-2022 йиллар мобайнидаги касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 100 минг нафар аҳолига нисбатан 2,1 дан (2017 й.) 11,5 га (2010 й.) қадар тебраниб турган (1-жадвал).

Вилоятда гиёҳвандлик билан касалланиш кўрсаткичи 2022 йилда 2010 йилга қараганда қарийб 2,3 марта, яъни 61,7% га пасайган, ўртача йиллик пасайиш суръати 4,7% ни ташкил этади. Касалланишнинг яққоллик кўрсаткичи 2010 йилга (100,0) нисбатан 2017 йилда 18,2 ни, 2022 йилда эса 38,3 ни ташкил этган. Интенсив кўрсаткич медианаси - 3,9 (2,8-9,2) дан иборат. Ўртача интенсив кўрсаткич - 4,9. 2010-2014 йиллар мобайнидаги кўрсаткичлар ўртача касалланиш кўрсаткичига қараганда 1,02-2,3 марта юқорилиги (касалланишнинг “юқори” даври), аксинча 2015-2022 йилларда 1,1-2,3 марта паст (касалланишнинг “паст” даври) эканлиги кузатилди. Шу боис, тадқиқотнинг навбатдаги босқичларида мазкур даврларни алоҳида-алоҳида ва ўзаро таққослаб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Касалланиш 2014 йилга келиб 2010 йилга нисбатан 56,5% га пасайган. Ўртача йиллик пасайиш суръати 11,3% га тенг.

Жадвал 1. Гиёҳванд моддаларга тобелик билан бирламчи касалланиш динамикаси, Самарқанд вилояти, 2010-2022 йй.

Кўрсаткичлар	Йиллар													Жами (13 йилда)	Ўртача
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022		
Мутлоқ	365	293	236	186	173	136	98	77	116	117	119	114	181	2211	170
Инт. к. 100 минг н. А.	11,5	9,2	7,0	5,1	5,0	3,9	2,8	2,1	3,1	3,1	3,2	2,9	4,4	63,3	4,9
Яққоллик к.	100	80	60,9	43,5	43,5	33,9	24,3	18,2	26,9	26,9	27,8	25,2	38,3		

Жадвал 2. Гиёҳванд моддаларга тобелик билан бирламчи касалланиш динамикасидаги даврлар, Самарқанд вилояти, 2010-2022 йй.

Кўрсаткичлар	“Юқори” давр (2010-2014 йй.)					2010-2014 ўртача	“Паст” давр (2015-2022 йй.)								2015-2022 ўртача
	2010	2011	2012	2013	2014		2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
Инт. к. 100 минг н. А.	11,5	9,2	7,0	5,1	5,0	7,56	3,9	2,8	2,1	3,1	3,1	3,2	2,9	4,4	3,18

Жадвал 3. Самарқанд вилоятининг ҳудудий гуруҳлари бўйича гиёҳвандлик билан касалланиш динамикаси, 2010-2022 йй., 100 минг нафар аҳолига нисбатан кўрсаткич

Шаҳар-туманлар	Йиллар													Ўртача
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
Самарқанд шаҳри	32,9	23,5	16,7	12,6	10,9	8,7	5,9	4,4	6,4	7,1	5,4	4,6	6,3	10,6*
Шаҳар туманлари	9,1	9,5	4,0	3,6	3,5	2,7	3,7	1,5	4,0	1,7	1,9	4,5	2,3	4,5
Ургут т-н	34,5	26,5	23,1	15,0	11,5	9,9	3,9	2,7	4,1	3,1	7,1	5,1	15,5	11,8*
Қишлоқ туманлари	2,8	1,6	1,9	2,1	2,5	1,6	1,6	1,5	2,0	2,3	1,8	1,7	2,1	1,9**
Вилоят бўйича	11,5	9,2	7,0	5,1	5,0	3,9	2,8	2,1	3,1	3,1	3,2	2,9	4,4	4,9

*– Ургут тумани ва Самарқанд шаҳрида ўртача касалланиш кўрсаткичи, вилоятнинг бошқа ҳудудлари ва вилоят бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан статистик аҳамиятли даражада юқори: $p < 0,05$.

** - Қишлоқ туманларида гиёҳвандликка тобелик таққосланаётган бошқа ҳудудлардагига ва вилоят бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан ишонарли даражада паст: $p < 0,05$.

“Юкори” даврдаги (2010-2014 йй.) ўртача кўрсаткичга (100 минг нафар аҳолига 7,56) қараганда, “паст” даврдаги (2015-2022 йй.) ўртача касалланиш кўрсаткичи (3,18) 57,9% га пасайган (2-жадвал).

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, 2015 йилдан кейин ҳам бир неча йил мобайнида касалланишнинг пасайиш тенденцияси давом этган бўлсада, таҳлилнинг сўнгги йили - 2022 йилда (4,4) 2021 йилга (2,9) нисбатан 1,5 марта ўсиши кузатилди. Гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг 2022 йилдаги кўрсаткичи 2015 йилдаги кўрсаткичга (3,9) қараганда 12,8% ўсган, ўртача йиллик ўсиш суръати 1,6% дан иборат. Демак, кўп йиллик динамикада Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг пасайиш тенденциясини эътироф этган ҳолда, мазкур вазиятнинг мўртлигини (нисбийлигини) ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ҳолат, аввало, гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш жадаллигини белгиловчи сабаблар асосида ётувчи шарт-шароитлар, хавф омиллари таҳлил этилиши, касалланиш даражаси ва хавф омиллари ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатлари баҳоланиши ҳамда олинган натижаларга кўра, муаммога қаратилган барча тадбирлар мажмуаси коррекцияланиши шартлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, янгидан қайд этилган пациентлар гиёҳванд моддаларга тобелик ривожланиши билан статистик аҳамиятли ассоциацияланиш эҳтимоли мавжуд етакчи хавф омиллари - яшаш жойи бўйича таҳлил этилди.

Хусусан, шаҳар шароити ва шаҳар аҳлининг ўзига хос турмуш тарзи ҳамда қўшни давлат билан чегара ҳудудида жойлашув гиёҳвандлик билан касалланишга қай даражада хавф омилли сифатида таъсир кўрсатишини баҳолаш мақсадида, Самарқанд вилояти ҳудуди бир неча ҳудудий гуруҳларга ажратилиб, 2010-2022 йиллар мобайнидаги гиёҳвандликка тобелик шаклланиши киёсий таҳлил этилди ва баҳоланди. Бунда Самарқанд вилояти маъмурий ҳудудлари, гиёҳвандликка тобелик шаклланишини белгиловчи хавф омиллари мавжудлиги эҳтимолига кўра, “Самарқанд шаҳри”, “Шаҳар туманлари”, “Ургут тумани” ва “Қишлоқ туманлари” гуруҳларига ажратилди (3-жадвал).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Самарқанд шаҳри аҳолисининг 2010-2022 йиллар мобайнидаги гиёҳванд моддаларга тобелик билан ўртача касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан 10,6 ни ташкил этган, яъни вилоятдаги ўртача касалланиш кўрсаткичига (4,9) қараганда 2,2 марта юкори ($p < 0,05$). Қўшни давлат билан чегара ҳудуд ҳисобланувчи Ургут туманида (11,8) эса вилоят ўртача кўрсаткичига

қараганда янада юкорироқ - 2,4 марта юкори кўрсаткич аниқланди ($p < 0,05$). Аксинча, вилоят ўртача кўрсаткичига нисбатан “Шаҳар туманлари”да (4,5) 1,1 марта, “Қишлоқ туманлари”да (1,9) эса 2,6 марта паст ўртача касалланиш кўрсаткичи кузатилди ($p < 0,05$).

Алоҳида ҳудудий гуруҳлар бўйича касалланиш динамикасини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, 2010 йилга нисбатан 2022 йилда гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланиш Самарқанд шаҳрида (тегишлича 32,9 ва 6,3) 5,2 марта, “Шаҳар туманлари”да (тегишлича 9,1 ва 2,3) 3,9 марта, Ургут туманида (тегишлича 34,5 ва 15,5) 2,2 марта ва “Қишлоқ туманлари”да (тегишлича 2,8 ва 2,1) 1,3 марта пасайган.

Ҳудудий гуруҳлар бўйича гиёҳвандлик билан касалланишнинг кўп йиллик динамикасида, умуман олганда, аксарият ҳудудий гуруҳларда вилоят миқёсидаги трендга монанд тенденция кузатилаётган бўлсада, “Қишлоқ туманлари”да ушбу манзара кузатилмайди. Яъни мазкур ҳудудий гуруҳ - “Қишлоқ туманлари”да, вилоят миқёсида кузатилганидек, касалланишнинг “юкори” ва “паст” даврлари тафовут қилинмайди. “Қишлоқ туманлари”да гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг кўп йиллик динамикасида нисбатан паст кўрсаткичлар барқарор сақланишининг сабаби, ушбу ҳудудларда гиёҳвандликка тобелик шаклланишини белгиловчи асосий омилларнинг тадқиқ этилаётган давр (13 йил) мобайнида деярли ўзгаришсиз қолганлиги билан изоҳланади.

“Шаҳар туманлари”дан ташқари барча ҳудудий гуруҳларда, вилоят бўйича кузатилганидек, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан касалланишнинг ўсиши, хусусан Самарқанд шаҳрида касалланишнинг 1,4 марта (йиллик ўсиш суръати 37,4%), Ургут туманида 3 марта (йиллик ўсиш суръати 203,9%) ва “Қишлоқ туманларида” 1,2 марта (йиллик ўсиш суръати 23,5%) ўсганлиги қайд этилди. Аксинча, “Шаҳар туманлари”да 2022 йилда 2021 йилга нисбатан касалланиш 1,9 марта пасайган, йиллик пасайиш суръати эса 48,9% дан иборат. Кўриниб турибдики, 2022 йилда вилоят бўйича касалланиш ўсиши асосан Ургут туманида касалланишнинг ўсиши эвазига белгиланган.

Ҳудудий гуруҳлар бўйича касалланиш динамикасининг таҳлили, қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудуд – Ургут туманида яшовчи аҳоли учун гиёҳванд моддаларга тобелик шаклланиш хавфи, бошқа ҳудудий гуруҳлардаги, жумладан Самарқанд шаҳри аҳолисига қараганда ҳам юкори эканлигини кўрсатмоқда. Умуман олганда, таҳлил натижасида олинган маълумотлар гиёҳванд моддаларга тобелик шаклланиши учун қўшни давлатлар билан чегарадош туманлар, йирик

шаҳарлар, шаҳар олди туманлари “хавфли ҳудуд” га, касалланиш даражасига кўра эса мазкур ҳудудлар аҳолиси “хавф гуруҳи” га мансуб эканлигидан далолат беради. Гиёҳвандликка тобелик шаклланиш хавфи кўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларда айниқса юқори.

Хулосалар. Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг кўп йиллик динамикасида яққол пасайиш тенденцияси ҳамда “касалланишнинг юқори даври” (2010-2014 йй.) ва “касалланишнинг паст даври” (2015-2022 йй.) фарқланиши кузатилиб, касалланиш кўрсаткичи 2022 йилда 2010 йилга қараганда қарийб 2,3 марта пасайган, ўртача йиллик пасайиш суръати 4,7% ни ташкил этади. Ҳудудий гуруҳларда касалланиш даражаси кескин тафовутга эга, яъни ўртача касалланиш кўрсаткичи Ургут туманида 100 минг нафар аҳолига нисбатан 11,8 ва Самарқанд шаҳрида 10,6 дан иборат бўлса, “Қишлоқ туманлари”да эса 1,9 га тенг.

Шундай қилиб, амалга оширилган мазкур тадқиқот Самарқанд вилоятида гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг яққол пасайиш тенденцияси кечаётганлигини кўрсатмоқда. Касалланиш қишлоқ туманларига нисбатан кўшни давлат билан чегарадош Ургут туманида, Самарқанд шаҳрида ва шаҳарга ёндош туманларда юқори бўлиб, мазкур ҳудудлар “хавфли ҳудуд” га, ушбу ҳудудларнинг аҳолиси эса “хавф гуруҳи” га мансуб. Гиёҳванд моддаларга тобелик билан касалланишнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар режалаштирилишида ва амалга оширилишида ҳамда пациентларга тиббий-ижтимоий хизматлар тақдим этилишида ушбу жиҳатлар албатта инобатга олинishi зарур.

Литература:

1. Доклад Международного комитета по контролю над наркотиками за 2020 год. Рекомендации правительствам, Организации Объединенных Наций и другим соответствующим международ-

ным и национальным организациям // Ж. НАРКОЛОГИЯ.- М.: 2021, №11.- Стр. 3-11

2. Кенжаева Н. К., Умиров С.Э., Юлдашев К.Х. Гиёҳвандликка тобе шахслар ижтимоий-демографик тавсифининг айрим жиҳатлари //

3. Кенжаева Н. К., Ризаев Ж. А., Умиров С. Э. Гиёҳвандликка тобе шахслар жинсий ва ёш таркиби динамикасининг тавсифи // Ж. Биомедицина ва амалиёт журнали. 7-жилд, №5 (2022), 178-185.

4. Кенжаева Н.К., Умиров С.Э., Юсупов Ш.Р. Гиёҳвандларнинг жинсий йўл орқали юкувчи айрим инфекциялар билан касалланиш ҳолати // Ж. Инфекция, иммунитет ва фармакология, №5, 2022, 131-140 б.

5. Сирлиев Б. Н. Гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари ва буни олдини олишнинг психологик жиҳатлари // Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Респ. илмий-амалий конф. материаллари. Т.: 2017.- 79-86 б.

6. Стратегия УНП ООН на 2021–2025 годы. // Ж. НАРКОЛОГИЯ.- М.: 2021, №12.- Стр. 3-25.

7. Халқаро гиёҳванд моддалар назорати бўйича кўмитанинг маърузаси, 2021. ИНТЕРНЕТ ресурс.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЗАВИСИМОСТИ ОТ НАРКОТИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ

Кенжаева Н.К., Ризаев Ж.А., Умиров С.Э.

Резюме. В Самаркандской области отмечается тенденция к снижению многолетней динамики заболеваемости наркоманией. Заболеваемость высока в Ургутском, граничащих с соседней страной районе, городе Самарканде и прилегающих к нему районах, эти районы относятся к «территориям риска» и жители этих районов относятся к «группе риска».

Ключевые слова: Наркомания, наркотики, динамика заболевания, факторы риска, зоны и группы риска.